

«Кизил байрок»нинг 131-сонида «Илмий хизмат» унвонли бир макола кўринди. Ул макола «Биров» имзосила ёзилиб, онда маним шахсимга хийли ўринсиз хужумлар, «ота гўри козихона»лар килинмишдир.

Бунга сабаб эса маним расмий бир мажлисда бутун маориф ахллари, муаллимлар, маориф комиссари ва шаҳар маориф мудирлари хузурида ўзбек маориф ишларини хозирги таназзулнинг сабабларини кўрсатган вақтида «Биров»ларнинг қошида энг муқаддас саналган ва анга тил тейдирмок қонунан гунох бўлган «имло масаласи»гада густохона тил тейдириб қетганлигим бўлмишдир.

«Биров» хазратлари кашф этган ва тамом турк дунёсининг онга бўйсунмоғи вожиб бўлгон муқаддас имлосининг баъзи нуқсонларини кўрсатмоқга бошқаларнинг ҳақлари бўлса-да, ман бечоранинг ҳақим йўқэмиш. Чунки ман бир вақтларда бошлаб усул жадида мактаблари очганман, ул мактабларда ўқитмоқчун «Адиби аввал», «Адибус-соний», «Хавойижи диния»ларга ўхшаш бир неча китоблар чиқорганман ҳам ул китоблардан сотиб, қорнимни тўйгузганман. Шул сабабли ман гуноҳқор энди. Ман имло масаласидан сўз очар эканман, ёлгуз «Адиби аввал» ва «Адибус-соний»ларимни сотмок учунгина сўз очар эмишман, мактабларда дин дарслари ўқитулсин десам, фақат «Хавойижи диния»ми пул қилиб, қорин тўйдирмок учунгина деяр эмишман.

Мана, «Биров» хазратлари «Кизил байрок»нинг яқин бир бетини тўлдириб манга қилинган хужумнинг руҳи ва ҳулосаси. Китобларим ҳусусида ман шуни деб биламанки, «Хавойижи диния» — диний бир китоб. Онинг ила «Биров»ларни бировлар ила бир иши ва алоқаси йўқ. Ҳам «Хавойижи диния»мдан 12 йил муқаддам бутун ҳақтабъилари ила бир ширкатга 225 сўм бадалига сотилгон. Биноан-алайх, онинг сотилуви ва сотилмовини маним қорним илада алоқаси йўқ.

Ман, мактабларда дин дарслари ўқитилсин, деганимда «Хавойижи диния»ни хотирймга қелтургоним йўқ. Фақат дин дарслари ўқитилмоғини сабабли бутун халқни ўзидан бездириб, харобликка юз тутган мактабларни такрор оёқга босдирмок учун лозим бўлгон қораларнинг бири мактабларга муқаммал суратда дин дарслари қиритмокдир, дедим.

Бу қун бу сўзни бир ман эмас, маориф комиссари ва маориф мудирларида иқроқ

этадирлар. Мактабларга дин дарси киритмок сизга ёкмас экан, онинг учун бир мангагина хужум этманг-да, толеъингиздан, замондан шикоят этинг. Чунки замон бузук. Халкнодон, дин тўгрисида, имло тўгрисида сиздек «дохий»ларнинг оркасидан эргашилмайдур.

«Адиби аввал» ва «Соний»ларга келганда онларнинг нухаси дунё юзида хозир йўк. Такрор босилиб дунёга чиқар экан, онинг 20 йиддан бери имло тўгрисида хар бир табъида тадрижий суратда ислох этилиб келган асосли бир йўли бор. Ул сизнинг бир-бирига муҳолиф бўлгон бузук имлоларингиз, ўринсиз хужумларингиз ила хисоблашмасдан, ўз маслакида давом этиб, хакикий янги имлони (Сизнинг хозирги бузук имлоингизни эмас) халк орасида сездирмайчагина таркатадур.

Такрор босилмас экан, онинг рухина яхши бир фотиҳа (агар сизда инсоф ва виждон бўлса) ўкумокингиз керак. Чунки бир вақтларда ва сизга ўхшаш қахрамон ёзувчилар тарафидан янги имлонгиз ила ёзилиб ва босилиб, бутун мактабларни китобдан таъмин этган хозирги мактаб китобларингиз йўк бир замонларда (холбуки, ҳеч нарсангиз йўк) филжумла халкнинг эҳтиёжини ўтаган, онинг учун ул китоблар доим сизнинг хужумингизга нишона ва ёзувчилари эса сизнинг кошингизда авантурист бўлмаса керак эди. Мажлисда сўйланган сўзларга келганда «Биров» ўрток маним сўзларимга бутун хиёнат этган.

Танкид ва мунозара конуни шул эдики, ул мани сўзимни бутун кўчириб, ўзининг танкид ва мунозарасини анинг устида килмок керак эди.

Холбуки, «Биров» ўрток маним сўзларимдан ўзига керак жойларини териб, онинг устига ўзиданда бир қадар илова қилиб, сўнгра танкид ва мунозара конунин ташлаб, тўғридан-тўғри хужум бошлагон. Манга бундай хужумлар эндиgina эмас, балки «Биров»лар хануз онадан тугулмаган замондан бери бўладир. Бир вақтларда остроумовчилар, иккинчи вақтларда уламолар хужум этдилар. Ман онларнинг хужумларига қарамасдан, ҳамон ўз маслагимда давом этдим. Бу кун «Биров»лар хужум этар экан, ул ҳам мани ишдан ва маслагимдан тўхтата олмайдир.

Бу хужумни мен жавобга ҳам арзитмас эдим, фақат маним мажлисда этган сўзларимни хиёнат тарикида бузиб ёзилганлиги маним жавобга мажбур этди.

Ман аввал мажлисда ўз фикримнигина эмас, расмий бир хайъатнинг фикрини ҳамда 20 декабрда маориф шўъбасида Маориф комиссари, маориф мудирлари ва бошқа маориф ахллари тарафиндан ўзбек маорифининг асбоби таназзули тўғрисида сўйланган фикрларнинг таржимонигина бўлдим. Маорифнинг таназзули тўғрисида 7 моддадан иборат бир маъруза ҳам 2 моддадан иборат чораларин сўйладим. Шул жумладан, асбоби таназзулдан бири этуб вақтсиз чиқарилгон имло масаласин ва имлочиларнинг кўзлари хануз бир фикрга келмай туриб, бутун мактабларга шу имлони мажбурий эълон қилгонликларин Куръон харфларини мактаб китобларидан чиқоргонликларин бу ишга, бир тарафдан, мактабларда болалар ёзувини оталар, оталар ёзувини болалар билмасликларига, иккинчи тарафдан, маориф душманларининг мана янги имло чиқариб, Куръонни бузмокчи деб халқ орасига игво таркатмокларига ва бу воситалар ила қора халқнинг янги мактаблардан безуб, эски мактабларнинг такрор ривож топмогига сабаб бўлгонлигини кўрсатдим.

Бундан сўнг имло масаласининг асосина кўчиб: «Ислохи имло масаласи фақат хақиқатан керакли бир масала ҳам янги бир масала эмас. Бу тўғрида Туркияда қарийб қирк йилдан бери, Қофқоз ва Татаристонда қарийб 20 йилдан бери қанча олимлар, профессорлар ишлаб туродирлар. Бизданда бир неча ёшлар чиқиб, жиддий ҳаракатлар кўрсатдилар. Бунларнинг бу гайрат ва ҳаракатлари шоян тақдир.

Онга бу тўғрида лозим бўлгон табиий, тадрижий йўлдан чиқуб, хануз пишмаган бир асосга ва бир йўлга қўйилмагон бир имлони халқнинг оғзига қуч ила тикмок бўлиб қўйгон қадамлари хато», — дедим. Бундан сўнгра бошқа масалаларга кўчдим.

Чораларига келганда, имло масаласида айнан мана шу йўллари кўрсатдим: «Имлои хозирага ёлгуз авом халқнинггина эмас, хосларнингда қаршуликларин, янги имлони атрофимизда бўлгон Бухоро, Хева, Афғонистон, Озорбойжон ва Туркиягина эмас, Туркманистон, Фарғона ва Самарқанд областларида хануз қабул этилмогонликларин ҳам авом халқнинг янги мактаблардан безмокларига имло масаласининг-да, буюк сабаблардан бўлгонлигини эътиборга олуб, бу масала (хақида) хайъат тубандаги фикрларни арз этадур:

1. Мактабларда янги имло ёлгуз туркий сўзлардангина татбиқ этилиб, арабий, сўзлар хозирда ўз хуруф ва имлолари ила ёзилсунлар.

2. Форсий ва баъзи ўз тилимиздек бўлуб қолгон арабий сўзларни туркча чўзгилар ила

(масалан, макотибни мактаб суратида ﷻﷻﷻﷻ - ﷻﷻﷻﷻﷻ ёзмок. (Бу ўринда «Биров» ўрток «хозир»ни ﷻﷻﷻﷻ - ﷻﷻﷻﷻ суратида ёзмок деб ўз тарафидан кўшарга бунга хайъат асло рози эмасдир.)

Асосан мувофик бўлса ҳам, бунга оидда тадрижий йўллар ила киришулсун. Аммо «мутахассис»га ўхшаш ёт араб сўзларини туркчаси топилар экан, туркча ёзилсун. Туркчаси топилмас экан, «мутахассис» суратида ўн харф ила ёзмасдан, мутлак имлосила ёзилсун.

3. Турк адабиётидан араб сўзлари тамом чиқарилмагунча мактаб китобларидан арабий сўзларга махсус бўлгон харфларни чиқариб ташламок асло мувофик эмасдур.

4. Туркча сўзларда хамзаларини хуруфи муттасила суратида ﷻ ёзмок, (ﷻ) ни (ﷻﷻ) суратида икки харф ила ёзмок мувофик эмас. Сўз шул ўрунга етганда хайъат раёсати тарафидан: «Имло масаласи шунда тўхтатулсун, колгони съездда музокара килинур», деган таклиф тушди. Ман ҳам таклифга бўйсуниб, сўзни иккинчи масалага кўчирдим.

Мана, имло масаласи тўгрисида маним сўйлагон сўзларим шул. Бу сўзларни ман хайъатнинг карорига ҳам муфассал ёзиб, бир неча цензурлардан кечиргондан сўнг сўйладим. Ўқувчилар буни ҳам, бу сўзлар учун «Биров»нинг манга килгон хужумини кўрсунларда, манга «Биров» ўртокнинг кандай хиёнат этганлигин ўзлари хал этсунлар. «Биров» ўрток ёлгуз хиёнат илагина каноатланмагон, балки бир оз тараккий килиб, игвогарлик йўлига ҳам киришган. Гўё ман ул мажлисда деган эмишманки: «Николай замонасида кандай бўлса-да, бир маориф бор эди. Хозир бўлса, маорифнинг тузалиши эмас, ўзи ҳам йўк». «Биров» ўрток бу сўзларни уялмасдан кандай тўкиб чиқарди экан? Игвогарлик учун бундан бошка йўл топилмадими? Холбуки, маним бу хусусда айтган сўзим шул эди: «Николай замонасида Хўкандда ўндан зиёда усули жадида, беш-олти русский-туземний мактаблар бор эди. Самаркандда ҳам шул қадар эди. Инкилобдан сўнгра бунлар йигирмадан ортди. Хозирда эса Хўкандца мактаб деса бўладургон икки-учгина колгон, Самаркандда эса йўк деярлик. Бутун кучни маорифга берган шўролар ҳукумати замонида мактаблар хозиргача бир неча хисса ортгон бўлса керак эди. Холбуки, кундан-кунга йўқолиб борадир. Бунинг, албатта, сабаблари бўлса керак. Бизга шул сабаблар ила курашмок лозим», — дедим-да, сўнгра сабабларини санамакка киришдим. Маним бу сўзларим ёзувда ва майдонда «Биров» ўртокнинг шунчалик игвогарлик йўлига кирмогидан онинг очик имзосин кўймағони сабабли ким эконин билмасам-да, олчок бир хариф эконлигида шубхам колмади. Биноаналайх, бошка сўзларига жавоб бермокнида лузум кўрмайман. Бундан сўнг холис илмий ва адабий мунозарага мувофик ўлмок шартила, имло масаласига кўчаман [\[1\]](#).

---

[1] Мунаввар кори Абдурашидхоновнинг ушбу маколasi тугамаган. Газета тахририяти маколани кесиб, унга ўз муносабатини билдириб, «Биров»ни химоя қилган ва ўз муддаосини «Хулоса, кори афандини авом халқ орасидан чиқиб, матбуот майдонига қадам босишлари билан табриқ этамиз», деб ифодалаган. (С. А.)